

Мавзу: Дунё хўжалиги географияси.

Режа:

- 1. Дунё хўжалигининг умумий тарифи.**
- 2. Фан-техника инқилоби ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш.**
- 3. Моддий ишлаб чиқаришнинг тармоқ тизимида юз бераётган силжишлар.**
- 4. Дунё хўжалигининг географик модели**

1. Дунё хўжалигининг умумий тарифи.

Дунё хўжалигининг шаклланиши жуда узоқ давом этган тарихий жараён бўлиб, тош қуролларидаан энг мураккаб электрон-ҳисоблаш машиналаридаан фойдаланишгача бўлган йўлни босиб ўтди.

Жаҳон хўжалиги дунёдаги барча мамлакатлар миллий хўжаликларининг жаҳон иқтисодий алоқалари орқали ўзаро узвий боғланган ва тарихан шаклланган мажмуасидир.

Дунё хўжалиги тузилиши ўзгариб бормоқда. Жаҳон бозори дунё мамлакатлари иқтисодий алоқаларининг асосини ташкил этади. Транспортнинг янги турлари пайдо бўлиши натижасида континентлараро алоқаларнинг жуда тез ривожланиши унинг кенгайишига имкон бермоқда.

Дунё мамлакатларининг ўзаро иқтисодий алоқалари фақат товар савдоси ва хизмат айирбошлаши билан чекланмайди. Ҳозирги дунё хўжалиги капитал оқимлари ва одамларнинг миграция оқимлари мавжудлиги, уларнинг аралашиб кетганлиги билан характерланади. Буларнинг ҳаммаси биргаликда **«халқаро меҳнат тақсимоти»** тушунчасини ташкил этади.

Дунё мамлакатларининг ХМТда қандай тармоқларга ихтисосланиши катта аҳамиятга эга.

Шу билан бир қаторда мамлакатлар орасида ХМТда янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ) алоҳида ўринни эгаллайди. Улар қаторига Бразилия, Мексика, Миср, Туркия, «Осиё йўлбарслари» - Гонконг, Сингапур, Тайван, Жанубий Корея, Малайзия, Таиланд киради.

ХМТ нинг янги, олий босқичи – халқаро иқтисодий интеграция (ХИИ) пайдо бўлди. У мамлакатлар гуруҳининг иқтисодиёт ва сиёсат соҳасида давлатлараро келишувига асосланган чуқур ва мунтазам ўзаро алоқалари жараёнининг ривожланишини ифодалайди.

2. Фан-техника инқилоби ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш

XX асрнинг ўрталарида бошланган ҳозирги замон фан-техника инқилоби (ФТИ) дунё хўжалигининг ривожланишини тубдан ўзгартириб юборди. Замонавий фан кашфиётлар индустриясига, техника ривожланишининг қудратли тезлаштирувчисига айланди. ФТИ ютуқларини жорий қилиш бўйича Япония, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британияда ғоят катта илмий потенциал мавжуд. Улар ҳиссасига дунё олимларининг 85%и тўғри келади. АҚШда ҳар 10 минг кишига 107, ривожланаётган мамлакатларда эса 1 илмий ходим тўғри келади.

ФТИ даврида ИТТКИларга сарфланадиган харажатлар ғоят муҳим иқтисодий кўрсаткичга айланмоқда. Дунё миқёсидаги шундай харажатларнинг 85%и - АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия ҳиссасига тўғри келади.

Янги техника ва технологиядан кенг миқёсларда фойдаланиш дунё хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини ошириш, ресурсларни иқтисод қилишда муҳим ўринни эгалламоқда.

Электрон саноати ғоят тез суръатларда ривожланмоқда. Бу саноат маҳсулотининг 33%и АҚШ, 26,4%и Япония, 25%и Ғарбий Европа мамлакатлари, 7,9%и Осиёнинг янги саноатлашган мамлакатлари, 1,8%и Латин Америкаси, 3%и бошқа мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Ҳозирги замон роботларининг 20%и Японияга, 17%и АҚШ, 12%и Буюк Британия, 9%и Германия, 9%и Францияга, 4,5%и Италия ва 4,5%и Швецияга қарашли бўлган.

Ҳозирги даврда дунёда ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг энг муҳим омилларидан бири уларнинг фан ва таълим (илм) олиш марказларига интилиши ҳисобланади. ФТИ даврида фаннинг илгари асосан мамлакатлар пойтахтларида ва университет шаҳарларида тўпланиши ўзгариб, фанни ҳудудий ташкил этишнинг янги шакллари пайдо бўлди. Йирик шаҳар агломерациялари чеккаларида ихтисослашган фан шаҳарлари (академ шаҳарчалар), илмий-тадқиқот, технологик марказларни ташкил топди.

Илмий марказлар (парклар) АҚШда сони 150 дан кўпроқдир. Уларнинг энг машҳурлари: Массачусет технология институтига асосланиб, Бостон атрофида ташкил этилган. Ғарбий Европада уларнинг энг йириклари: Германияда Мюнхен университети базасида яратилган Изор Валли, Буюк Британияда Кембридж университети базасида ташкил этилган Кембридж парки, Францияда Лазур қирғоқларида жойлашган парклар.

3. Моддий ишлаб чиқаришнинг тармоқ тизимида юз бераётган силжишлар.

Моддий ишлаб чиқаришнинг тармоқ тизимида учта бўғини (қават) ажратилади: 1) макротизим; 2) мезотизим; 3) микротизим;

Макротизим энг йирик иқтисодий нисбатларни акс эттиради ва бунда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, халқаро савдо ўртасидаги нисбатлар аниқланади.

Мезотизим - тармоқлараро шаклланадиган нисбатларни кўрсатади. Масалан, дунё саноат тизимида ФТИ таъсирида тоғ-кон саноатининг салмоғи пасайиб, ишлаб беручи саноатнинг салмоғи ошиб бормоқда. Агар иккинчи жаҳон урушидан олдин уларнинг нисбати 15:8,5 бўлган бўлса, 90-йилларнинг бошида эса 8:92 га етди.

Микротизим - саноат ишлаб чиқаришида юз бераётган ўзгаришни акс эттиради. АҚШда фан талаб юқори технологик ишлаб чиқаришнинг бутун ишлаб берувчи саноат маҳсулотидаги ҳиссаси 40%, Германия, Франция, Буюк Британия - 30-35% га тенг.

4. Дунё хўжалигининг географик модели

Дунё хўжалигининг ривожланиши ва мураккаблашиб боришига мувофиқ унинг географик модели ҳам ўзгариб борди. Дунёда ҳукмдор мавқеини турли даврда турли мамлакатлар эгаллаган. Ўз вақтида Амир Темур давлати, сўнгра Англия, Испания шундай вазифани бажарган. XX асрда АҚШ дунёда ҳукмдор кучга айланди. Шу билан бир қаторда бу модел тобора мураккаблашиб бормоқда ва у бир марказликдан кўп марказлик хусусиятга эга бўлмоқда. XVIII аср охиригача дунёда битта марказ – Европа устун турган бўлса, кейинчалик иккинчи марказ - АҚШ пайдо бўлди ва кейин бошқа янги марказлар пайдо бўла бошлади.

Улардан энг иқтисодий қудратлиси иккита эски марказлар – Европа (дунё ЯИМнинг - 28%) ва Америка (26%) ҳисобланди. Ундан кейин иккита ўрта авлод маркази - Япония (10%) ва МДҲ туради. Бу марказлар биргаликда Дунё хўжалиги географик моделининг асосларини ташкил этади.

Jahon xo'jaligi dunyodagi barcha mamlakatlar milliy xo'jaliklarining jahon iqtisodiy aloqalari orqali o'zaro uzviy bog'langan va tarixan shakllangan majmuasidir. Geografik mehnat taqsimoti hozirgi dunyo xo'jaligining asosini tashkil qiladi. FTI sanoatning fantalab sohalari tez sur'atlarda rivojlanishiga olib keldi.

Moddiy ishlab chiqarishning tarmoq tizimi uchta bo'g'indan iborat: makrotizim, mezotizim, mikrotizim.

FTI ta'sirida xo'jalikni industrialorti turi vujudga keldi va tez sur'atlar bilan rivojlanmoqda. Bunda xizmat ko'rsatish sohasida ishlaydiganlar soni ko'pchilikni tashkil qiladi.

Dunyo xo'jaligi hozirgi paytda ko'pmarkazlilik xususiyatga ega. Rivojlanayotgan mamlakatlarda regional siyosat davlat iqtisodiyotni boshqarishining tarkibiy qismiga aylangan.